



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013-yil 23-avgust • №34 (4225)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### "ЎЗБЕКИСТОН ҚАХРАМОНИ" УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва ўз халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон — "Олтин юлдуз" медали топширилсин:

**Азларов Турғун Раҳматович** — Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби

математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

**Раматов Ачилбай Жуманиязович** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

**Эшматов Анорбой Аббасович** — Пахтакор туманидаги "Анвар" фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 22 август



Азларов Турғун Раҳматович



Раматов Ачилбай Жуманиязович



Эшматов Анорбой Аббасович

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САЊАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2013 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун

**Биринчи даражали Давлат мукофотлари** қуйидагиларга берилсин:  
**фан ва техника соҳасида:**

— Зуфаров Миржамол Мируморович, Абдумаджидов Хамидулла Амануллаевич, Абралов Хакимжон Қабулджанович, Бахритдинов Фазлитдин Шамситдинович, Назирова Людмила Алихановна — "Юрак-қон томир касалликларининг диагностикаси ва даволашда замонавий услубларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш" амалий тадқиқоти учун;

**адабиёт соҳаси бўйича:**

— Сирожиддинов Шухрат Самариддиновичга — "Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типология, текстология таҳлили" фундаментал тадқиқоти учун;

**санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:**  
— Қодиров Мухсин Халиловичга — "Ўзбек анъанавий театри" монографияси учун;  
Фан ва техника соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2013 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

**Иккинчи даражали Давлат мукофотлари** қуйидагиларга берилсин:  
**фан ва техника соҳасида:**

— Азизов Мирҳаким Жавҳарович, Ступина Надежда Владимировна, Ирисметов Муроджон Эргашевичга — "Йирик бўғимлар ортопедик патологиясини даволашнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш бўйича илмий ишлар мажмуи" амалий тадқиқоти учун;

— Дадамухамедов Суннатулло, Муминов Рамизулло Абдуллаевич, Собиров Хабибулло, Турсунов Мухаммад Нишанович, Юлдошев Исроил Абриевичга — "Кремнийли фотоайлан-тиргичлар асосидаги қуёш нурулини бево-сита электр энергиясига айлантирувчи ҳозир-ги замон тизимлари ишланмасини яратиш ва уларни ишлаб чиқиш" амалий тадқиқоти учун;  
**санъат ва меъморчилик соҳаси бўйича:**  
— Изентаев Жоллибой Тангирбергановичга (марҳум) — "Қорақалпоқ элим менинг" рангтавир асарлар туркуми учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 22 август

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

## СОҲИБҚИРОННИНГ МУЗАФФАР СИЙМОСИ



Пойтахтимиз Тошкентдаги буюк соҳибқирон Амир Темури номи билан аталаётган кўркем хибонда қад ростлаб турган улугвор ҳайкалнинг ўрнатилганига роппа-роса 20 йил тўлди.



Дарҳақиқат, улуг воқеаларни эслаб, буюк инсонларни ёд этиб, обидалар ўрнатиш қадимдан бор гап. Энасой дарёси бўйларидаги тош битиклар, Жиззах тоғларидаги Мирзо Улуғбек зафари қайд этилган ёзувлар ва бошқа тошлавҳалар бунга мисол бўла олади. Юртимиз худудларида ҳали оҳори тўқилмаган салобатли иморатлар ҳануз қадимий шавкатимиздан нишона бўлиб турибди. Айниқса, Самарқанд регистони тобора гавжумлашиб, жаҳоншумул санъат масканига айланиб қолди. Албатта, ҳар бир шаҳарнинг ўз

марказлари мавжуд. Одатда бундай жойларда халқнинг тимсоли бўла олгулик обидалар бунёд этилади. Пойтахтимиз Тошкентнинг қоқ марказидаги машҳур хибон эса ўтган аср мобайнида ўзининг ҳақиқий эгасини тополмай лолу хайрон эди. Бу ажойиб маконда халқимизга на тили, на дини, на тарихи, на госянининг мутлақо алоқаси бўлмаган, бориники, ўз қавми учун ҳам ибрат ҳисобланмаган қимсаларга ҳайкаллар қўйилган эди.

Давоми иккинчи саҳифада.



Қадим ва навқирон Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали садолари янграшига санъат кўнак қолди. Айни дамда бу ерда фестивалга тайёргарлик ишлари ниятисига етмоқда.

Мазкур фестивалнинг Самарқанд заминиде ўтаётгани бежиз эмас. Бу шаҳар ҳақли равишда дунё цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади. Не-не буюк аждодларимизнинг қадами теккан бу шаҳарга. Кўплаб танқили давлат арбоблари, санъаткорлар ва ижодкорлар бу шаҳри азимни зиёрат қилган. Бинобарин, Самарқанд азал-азалдан турли халқлар вакиллари ва маданиятлари учрашган манзилдир.

Бугун ана шу муаззам шаҳар навбатдаги улугвор анжуман — "Шарқ тароналари" IX халқаро мусиқа фестивали меҳмонларини кучоқ очиб кутиб олмоқда. Мазкур анжуман мустақил-лигимизнинг 22 йиллик танта-наларига тўғри келаётгани би-

лан ҳам янада салобат ва шуқуқ касб этмоқда.

Навбатдаги мусиқа фести-валида олтишга яқин маъна-катдан уч юздан ортиқ қатна-ши иштирок этиши кутилмоқда.

Фестивалга келган хорижлик санъаткорлар "Мўъжиза", "Ниҳол" амфитеатрларида, мусиқа мактабларида, "Ешлик", "Ёшлар" маданият ва истироҳат боғларида, "Қирқ-

марказларида аҳоли ва ёшлар билан учрашувлар ўтказиш-ларини унун шарт-шароит яратил-ган. Тадбир доирасида ўтади-ган илмий анжуманда турли мамлакатлардан келган ўттиз-га яқин олим ва мутахассис-лар қатнашди. Анжуман да-вомида қатнашчилар Самарқанд-нинг тарихий обидалари,

дарҳон", "Обод турмуш" маҳалла марказларида аҳоли ва ёшлар билан учрашувлар ўтказиш-ларини унун шарт-шароит яратил-ган. Тадбир доирасида ўтади-ган илмий анжуманда турли мамлакатлардан келган ўттиз-га яқин олим ва мутахассис-лар қатнашди. Анжуман да-вомида қатнашчилар Самарқанд-нинг тарихий обидалари,

музейлари, истиқлол йиллари-да шаклланган замонавий меъморчилик билан яқиндан танишдилар.

Бир сўз билан айтганда, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашиб, қадимдан Шарқ Фарби болғовчи кўприк вази-фасини ўтаб келган Самарқанд бугун турли халқлар маданият-ларини, санъатини бирлашти-рувчи маскан сифатида "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалга қизгин ҳозирлик қўриб қўйди. Мазкур фестивал, шубҳасиз, Шарқ халқлари мил-лий мусиқа ва қўшиқ санъати-нинг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, миллий мусиқа анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида санъатга меҳр-муҳаб-бат туйғулларини камол топти-риш, халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўз ахборотимиз.

Ҳамид ОЛИМЖОН

## ЎЗБЕКИСТОН

Парча

Водийларни яёв кезганда,  
Бир ажиб ҳис бор эди менда...

Чаппар уриб гуллаган боғин,  
Ўнар эдим Ватан тупроғин.  
Одамлардан тингаб ҳикоя  
Ўсар эди шовирда гоё.  
Дарёлардан қуйлаб ўтардим,  
Эртақларга қулоқ тутардим.  
Ҳаммасини тинлардим, аммо,  
Ўхшашини топмасдим асло.

Ватан обоа — кўнгул обоа!

\*\*\*  
Ўхшаши йўқ бу гўзал бўстон,  
Достонларда битган гулистон, —  
Ўзбекистон дея аталур,  
Уни севиб эл тилга олур.  
Чиройлидир гўё ёш келин,  
Икки дарё ювар қоқилин,  
Қорли тоғлар турар бошида,  
Гул водийлар яшнар қошида.  
Чор атрофда ёйганда гўлам,  
Асло йўқдир бундайин кўклам.

Тоғлардаги қип-қизил лола  
Бўлиб гўё ёқут шёла,  
Булоқлардан узатили сув,  
Эл қўзидан қочали уйку.  
Далаларда бошланади иш,  
Бошланади ижод ва турмуш.  
Кундан-кунга ўсади пахта,  
Барг чиқали ҳар бир дарахтда,  
Олмасорлар гулин тўқали,  
Мева боғлар шохин буқали.  
Шаҳарларда ишга чиқиб эл,

Одам билан тўлар Текстиль.  
Ҳаммасининг бир истаги бор,  
Ҳаммаси ҳам хурсанд, бахтиёр,  
Бу ўлкада ҳар нарса бордир,  
Кўрмаганлар доим хумордир.  
Аму билан Сирдан сув ичган,  
Зарафшонни лойлатиб кечган  
Чаваңдозлар бордир бу элда.  
Шу билан бирга мазкур муко-  
фотга сазовор бўлган акса-  
ри Арғумоқлар қўшиғи бордир, —  
Бу шундайин ажиб лиёрдир.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий им-кониятларини юзага чиқариш мақсадида таъсис этилган "Ниҳол" мукофоти миғлаб истеъдодлар учун қувончли воқеага айланди.

## КЎКҚА БЎЙ ЧЎЗАР "НИҲОЛ" ДАР!



2000 йилдан буён анъана-вий тарзда ўтказиб келинаёт-ган мазкур санъат шодиёна-си эстрада, мумтоз қўшиқчи-лик, рақс, мусиқа ижрочили-ги, опера каби йўналишларда янги номларни кашф этмоқда. Шу билан бирга мазкур муко-фотга сазовор бўлган акса-рият ёшлар юртимиз олий таълим муассасаларига имти-

ёзли кириш, хориждаги ну-вуий тарзда ўтказиб келинаёт-ган мазкур санъат шодиёна-си эстрада, мумтоз қўшиқчи-лик, рақс, мусиқа ижрочили-ги, опера каби йўналишларда янги номларни кашф этмоқда. Шу билан бирга мазкур муко-фотга сазовор бўлган акса-рият ёшлар юртимиз олий таълим муассасаларига имти-

Давоми бешинчи саҳифада.



Таржима — Ўзбекистонда кейинги салмоқли 23 йилда рўй берган маданий ўзгаришларнинг мезон белгиларидан бири...

Таржима маданият соҳаси сифатида истиқлол даврида эътиборга тушибди...

сир кўрсатган бўлса, кейинги 23 йил тарихий бир ярим минг йилнинг ишини қилди...

РУҲ, ЖОЗИБА ВА ОҲАНГ

Истиқлол йилларида таржимашунослик ва таржима танқиди

Хўй, Баёний анъаналари тириклигини кўрсатади. Анъаналар яшаган жойда маданият ҳам ҳар доим яшайди...

тодлари, жумладан, семантик таҳлил, компонентли анализ, статистик таҳлил, контекстуал таҳлил каби тадқиқот методлари таржимашуносликка бағишланган аксарият диссертацияларда ҳатто қайд қилинмаган...

Хомер, Достоевский, Жойс таржималари тилимизга бошқача замонавий тўқин бағишламоқда...

«Таржимашуносликнинг тарихи ва тарғиб-тараққиоти» номли монографияда таржимашуносликнинг тарихи ва тарғиб-тараққиоти ҳақида қўқунма ҳақиқатлар аниқланиб берилади...

Тил — руҳдир, деган теран фикр қанчалар тўғри эканлигини бу ерда ҳам аниқ кўзатиш мумкин...

«Таржимашуносликнинг тарихи ва тарғиб-тараққиоти» номли монографияда таржимашуносликнинг тарихи ва тарғиб-тараққиоти ҳақида қўқунма ҳақиқатлар аниқланиб берилади...

Забардаст фольклоршуно, профессор Тўра Мирзаевнинг «Ҳоди Зариф суҳбатлари» (2013) китобини ўқиб, устоз-шогирд муносабатлари, устозга содиқлик ҳақидаги ўй-мулоҳазалар ҳаёлимни олди...



Нихоят, изланишлари самараси сифатида салмоқли асар дунёга келди. «Китобни оқидини» гина қилиб» Устоз ва шогирд мулоқоти экан» деб тушуниш ҳам тўғрими, — деб ёзди муаллиф...

куёби Собиржон Содиқов ёзиб ола бошлагандилар. Афсуски, бу хотиралар китоби поёнига етмай қолди...

САДОҚАТ ВА ОҚИБАТ БИТИГИ

касбу қорлари, катта бобоси Умархўжа ҳақимнинг доришунос И.Краузе билан яқин муносабатлари, ҳатто ўғли Тиллаҳўжани унинг тарбиясига бергани, ёш Ходининг шундай муҳитда ўсгани ҳақидаги маълумотларни тиклайди ва бу парчалар ёзилиши кўзланган «Фан йўлида» автобиографик китобининг бошланғичи эканлигини аниқлайди.

фидойиси Абдурауф Фитрат (1886 — 1938) каби устозлари, рус ва жаҳон фольклоршунослиғи тараққиётига муносиб ҳисса қўшган забардаст олимлар — Юрий Соколов (1889 — 1941) ва академик турколог Виктор Жирмунский (1891 — 1971) каби ҳамкорлари, ўзбек адабиётшунослиғи ва фольклоршунослиғи тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшган Олим Шарафиддинов (1903 — 1943), ўзбек халқ эртақларининг моҳир тўпловчилари ва тадқиқотчилари Буюк Каримов (1906 — 1945), Мансур Афзалов (1910 — 1973), халқ кўшиқларини тўплаш ва ўрганишда айрича жасорат кўрсатган Музаёна Алавия (1909 — 1988) ва топшмунослликда салмоқли ишлари амалга оширган Зубайда Хусаинова (1918 — 2002) каби сафдошларининг илмий-ижодий фаолиятлари умумлаштирилиб ёритилган.

Китобнинг биринчи қисми «Олимнинг ота-боболари» мавзусига дахлдор мулоқотлар негизига қўрилган. Сирасини айтганда, илк саҳифалардаёқ Ходи Зарифнинг «Таржима ҳоли» берилган ҳолда яна унинг биографиясига қайтишга ҳожаз борми, деган савол ҳам турилиши мумкин. Бундай зарурят ва эҳтиётнинг икки сабаби бор: биринчиси — Ходи Зариф ўз ҳаёти, ота-боболари, илмий-ижодий ва ижтимоий фаолияти ҳақида автобиографик асар ёзишни ният қилиб, 1969 йилнинг бошларида шу хусусда хотираларини айтиб ёздиришга киришганда...

Гап шундаки, бундай умумлаштирувчи фикрлар китоб муаллифининг қарашларидангина иборат бўлиб қолмай, Ходи Зарифнинг устозлари, ҳамкорлари ва сафдошлари ҳақида турли муносабатлар билан ёзиб қўйган қайдилари ёки шогирдини қизиқтирган масалалар бўйича изҳор этган жавоблари, фикрлари жамланмаси негизда битилган муҳтасар портретлар даражасига кўтарилган. Бу портретларда ўзбек фольклоршунослиғи тараққиётига йўлидаги кураш манзаралари Ходи Зариф қарашлари призмасида талқин ва тадқиқ қилинган эътиборга лойиқ. Зеро, XX асрнинг 50-йиллари бундай қарашнинг марказида даставвал қаҳрамонлик достони «Алпомиш», сўнгра Ходи Зарифнинг В.М.Жирмунский билан ҳамкорлигида яратилиб, ўзбек фольклоршунослиғини жаҳон фольклоршунослиғи минбарига кўтарган «Ўзбек халқ ҳақрамонлик эпоси» монографияси бўлди. Китобда бу монографияни яратити устозидagi иждодий жараён Х.Зариф хотираси орқали тик-

беш-йигирма йил ичида олимларимиз тарафидан бу соҳада жаҳон илми андозаси талабига жавоб бера оладиган йирик тадқиқотлар яратилмади ҳисоб» («Ўзбек китобида таржимашунослик»).

Таржимашунос ва таржимон Хуррам РАҲИМОВ: «Умумлашмадики йўқ жойда назария ривожландими? Ва умуман ўзбек таржима назарияси ва амалиёти қай даражада ривожланмоқда? Бугунги куннинг фани кечаги куннинг давоми, аммо унинг такрори бўлмағиси керак... Каттор муҳим филологик таҳлил ме-

салмоқли, чуқур билимдонлик ва эрудиция билан ёзилган тадқиқотлар ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Ўзбек китобхони Албер Камю романи ва эссеистикасини ўз тилида ўқишга мурасар бўлди. Камю романи ва эссеистикаси борасида эмотив мақолалар пайдо бўлди. Ж.Эшонкул машхур япон адаби Кавабатанинг ўзбекчалаштирилган ҳикоялари ва уларнинг ўзбек ёзувчиси Олим Отахон иходига кўрсатган барақали таъсири тўғрисида жуда қизиқарли таҳлиллار қилди. Нитше, Жойс, Маркес асарларининг ўзбек тилидаги таржималари билан боғлиқ ўйлар матбуотда юзга чиқди. Жойс иходи, услубининг моҳият қирралари анча чуқур таҳлилдан ўтказилди.

Таржимашунослик, таржима танқиди масалалари ва ёш таржимонларни тарбиялаш кейинги пайтларда Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Қарши, Бухоро университетларида марказлашмоқда. Жаҳон тиллари университетини бир қанча таржима назариясига доир дарслик ва қўланма, амалиёт дастурларини катта хайрихоҳлик билан нашрдан чиқарди. Талабалар бу дарслик ҳамда қўланмалардан манфаддор бўлмоқдалар. Айниқса, Гулданд Боқиева, Омон Мўминов, Носир Қамбаров, Аббос Ирискулов, Шавкат Бўтаев томонидан олиб борилаётган таҳлил ўқув, илмий тадқиқот ишлари диққатга сазовор. Илмий таржимашунослик ва таржима назариясини ривожлантиришда Жаҳон тиллари университети жуда катта ва фаол потенциалга эга. Кейинги йилларда Самарқанд давлат чет тиллар институтида таржимонлик бўлими очилди. Бўлим шу вақт ичида анча-мунча ишларни амалга оширди. Бу ерда катта таж-

рибага эга таржимонлар, тадқиқотчилар тўпланган. Шунинг учун ҳам бу ерда «Самарқанд таржима мактаби» семинарининг очилиши узукка қўз қўйгандек бўлди. Семинар бекор ўтиргани йўқ: 2012 йилда «Ёш таржимонлар алманахи»нинг биринчи мажмуасини нашр қилди. «Ёш таржимонлар мактаби»га таниқли олим, таржимашунос, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг ректори, профессор Шухрат Сирожиёдинов раҳбарлик қилмоқда. Мажмуага қирқдан зиёд ихтидорли ёш таржимонларнинг илк таржималари, тадқиқотчи олимларнинг мақолалари киритилган. Қўзларни қувонтиради, ҳаёлга парвоз бағишлайди бу алманалар. Келажакка умид билан қарашга ундайди. Самарқанд давлат чет тиллар институти яна бир катта иходий-илмий, ташкилий ишни амалга оширди. Бу ерда 2012 йил ноябрида республика миқёсида таржимашунослик масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Хаммадан қувонарлиси, анжуманда ўқит қизиқарли илмий маърузалар қилинди. Анжуман материаллари «Бадий таржиманинг лингвопозитик муаммолари» номи остида Самарқандда нашр этилди. Бундан саноқли илмий маърузалар, ҳамда Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтида «Бадий таржима — тилшунослик, адабиётшунослик ва маданиятлараро алоқалар контекстида» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Жиззах таржимашунослари анжумани муваффақиятли якунлаб, унинг ранг-баранг, илмий жиҳатдан қизиқарли материаллари 2011 йилда тўплам ҳолида босиб чиқарилди. Мана шу икки тўплам ва республика миқёсидаги икки анжумани мамлакат маданий ҳаётида йирик воқеа, деб аташ мумкин. Уларда Ўзбекистоннинг таржимашунослик ва таржима танқиди қуллари жозибали тарзда ўзини намойён қилди.

Бизнинг адабий-бадий журналларимиз, матбуотимиз, филология масалаларини ёритаётган эътиборли нашрларимиз мана шу талантли қулларга суянишлари, уларга эътибор қаратишлари зарур, деб ўйлаш мумкин. Талаб, эътибор, буюртмалар улардан пайдарпай чиқиб тура, бу қуллар кўп ишларга қодир. Ш.Сирожиёдинов, М.Холбеков, Н.Қамбаров етакчилигидаги бу таржимашунослик ва таржима назарияси, амалиёт кўчили соҳанинг энг долзарб масала, муаммоларини бугунги жаҳон илми мезонларида ечишга қодир деб ҳисоблаймиз. Таржимашунослик, таржима танқиди фақат «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Жаҳон адабиёти», «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» ёки «Филология масалалари»нинг вази-фаси эмас. Бу умумий маданий ҳодиса, шунинг учун унинг ривожига бошқа барча матбуот нашрлари ҳам эътибор қаратишлари, нашриётлар йиллик тўпламлар қириб туришлари мақсадга мувофиқ фойдаланишди. Университет ва институтилар саноқли муносабат билан дунё юзини кўрган бу илмий алманаларни ҳақиқий маънодаги таржима ва таржимашунослик дафтарлари, дейиш ўринли. Бу ўзига хос илм шундай теран ва ёрқин намоён бўлавераркан, таржималарнинг ҳам савияси, сифати ортиб, жозибаси билан китобхонни ўзига тортиб бораверишига шубҳа йўқ. Бу, ўз навбатида илмга, иходига кўрсатилаётган эътиборнинг самараси бўлади.

Глядишь она цветет: вымывает — нет ответа — деган Пушкиннинг бир мисрасига қулқ тутинг-да, Чўлпонни тинланг:

Карайсан: яшнаган бир гул, фақат долдинга етмайди... Қанча ўзгаришлар — трансформациялар зухур этади бунда! Белгилар ташлаб кетилади. Сўзларда эса ҳеч қандай аниқлик йўқ. Аммо оҳанг, аммо ўзбекча ифодадор! Пушкин ўзбекчада шундай ёзарди! Таржима деб шунга айтади ва таржима танқиди ўз таҳлилларида шунга маъносини бўлсин. Руҳ, жозоба, оҳанг яратсин!



Иброҳим ҒАҒУРОВ

«ФУРСАТ ҒАНИМАТ»

Панд-насиҳат, юксак инсоний фазилатлар, қадрият ва эътиқод тарбияоти азалдан Шарқ мумтоз адабиётининг етакчи мавзуси, йўналишларини белгилаб келган. Бизнинг замона ҳам айна шу қўлғу таомиллар, анъаналар давом эттирилаётгани қувонarli ҳол. Зеро, бадий асарнинг ўқувчи ахлоқига кўрсатадиган тарбиявий аҳамияти бугунги кунда ҳам юксак қадрланади.

Атоқли шoir, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пўлат Мўминнинг «Наврўз» нашриётида чоп этилган «Фурсат ғанимат» номи шeerлар тўплами китобхонда айна шу жиҳатлари билан қониқиб уйғотади. Китобга иходдорнинг умри поёнида битган асарлари жамланган. Уларда инсоний фазилатларнинг киши умри давомида мисоли йўлчи юлдуздек йўлини ёритиб, турмушига фазз-барак киритиши халқона йўлда самимий эътироф этилади. Чунончи, «Оқибат қўшиғи»да шoir ёзади:

Оқибат ул асли ноёб фазилатдур, Қўбингдаги меҳр нури — зар-зийнатдур. Оқибатинг Ҳотамларга хос назиятдур, Йўмони пок одамлигига — хосиятдур. «Фурсат ғанимат» китобида жамланган «Яшагиси келаверар хамма-нини», «Уттанларни ёд айланг», «Кейинчалик дема: айтманг», «Умр — вақтинча», «Виждонига ҳавола» сингари шеърларда шoir умр ва айна яшаб ўтатиш учун берилган вақт қадрига етишга чақирди. Уларда мисоли чашмадек отилиб-оқиб турган тириклик сурури қўнғилларга завок-шақк бағишлаши, ота-онага оқибати бўлиш ва уттанлар хотирасини доимо ёдда сақлаб эслаб туришдек киши умрининг мазмунини белгилайдиган юксак фазилатлар тараннум этилади. Шoirнинг таниқли ҳофизларининг томонидан жўшиб қуйланадиган шеърларидан айримларини ҳам ушбу тўпламда ўқийсиз. Китобни нашрга Табассум Мўминова тайёрлаган. Муҳаррир Шукур Қурбон.

«МУҲАББАТ ЎЛИМДАН КУЧЛИ»


Ғафур Ғулom номидagi нашриёт-матбаа иходий уйида нашр этилган «Муҳаббат ўлимдан қучли (Денгиз туби, саҳро қариди)» номи роман таниқли адаб, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Давлат муқофоти лауреати Омон Мухторнинг бу жанрдаги сўнги асари бўлди. Ушбу роман ўзи қадимий, лекин ҳар қил анъананиб турувчи энг соҳир туйғу — муҳаббат ҳақида.

Омон Мухтор насрий асарларига хос бўлган шаклий изланишларнинг муносиб ва мувофиқ бадий талқинлари адибнинг ушбу романида ҳам кузатамиз. Романда ўзига хос характерлар яратилган. Чунончи, бир-бири билан қалб ришталари орқали боғланган Иброҳим ва Марварид севгиси, улар бошидан кечирган турли хил воқеалар — чинакам синов-имтиҳон жараёнлари самимий, ҳаётий талқинлари билан китобхонда бой таассуротлар уйғотади. Бу қаҳрамонлар саргузалтирарга табиий равишда мантиқан боғлаб ҳикоя қилинган қадимий ривоятлар, ҳикоятлар, тарихий шакслар ҳақидаги бадий лавҳалар асарга алоҳида салмоқ ва жозоба бахш этган. Дарҳақиқат, муҳаббатдек қадим ва барча замонларда анъаналарда, ярқираб, авлодлар қалбини мунаввар этадиган соҳир туйғу чиндан уйимдан қучли экани романдаги қизиқарли, сирли ва айна пайта саргузалтирарга бой воқеа-ҳодисалар тасвири орқали бадий далилланади. Омон Мухтор прозаси тилига хос жозоба, ихчамлик, аниқлик ва самимий талқин адибнинг бу романи ҳам завок билан ўқилишини таъминлаган омиллардандир. Нашрга Илҳом Зойиров муҳаррирлик қилган.

Тақриз

Таржима маданият соҳаси сифатида истиқлол даврида эътиборга тушибди... Китобнинг биринчи қисми «Олимнинг ота-боболари» мавзусига дахлдор мулоқотлар негизига қўрилган.

ОХУНЖОН САҒАФРОВ, ФИЛОЛОГИЯ ФАНАЛРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР



Садоқат НЕЪМАТОВА

ТИНЧЛИК КЎНИМ ТОПГАН  
ЎЗБЕКИСТОН БУ!ТИНЧЛИК  
МАКОНИ

Сабо юзларини силаб уйғотар,  
Дийдорин кўрмоққа ошқар қўш.  
Бу юртнинг тонлари ўзгача отар,  
Қушлар ҳам дил сирин этажақдир фоз.

Гуллар ишва қилар юзларин очиб,  
Дилга хузурбахшдир фавворалари.  
Қулдан-қун боради чиройи ошиб,  
Кўп эрур юртимнинг парвоналари.

Оташин меҳрини қилмаган миннат,  
Жисмимда яшайди мисоли жондай.  
Мен унга қайси кун кўрсатиб ҳиммат,  
Улуг қарзларимни узаман қандай?

Отамдек қуюнган, онамдек суйган,  
Борини бахшида қилган макон бу.  
Бағрида қувончлар қувониб юрган,  
Тинчлик кўним топган Ўзбекистон бу!

## САДОҚАТ

Юракка ўт ёққан соғинчлар ҳаққи,  
Ўзга бир диёрга қилмасан ҳавас.




Сенсиз ошармиди кўнглининг завқи,  
Сенсиз бахтнинг кўйи таратарми сас?

Ватан, ишқинг билан ёнмоқда бу дил,  
Шеърим юрагимга беролмас таскин.  
Ишон, муҳаббатим абадий бешак,  
Сендек суянгиним бўла олар ким?

Дилда гурур билан севаман сени,  
Қайноқ сенинг билан мудом сармастман.  
Юксак эҳтиромим қабул эт меннинг,  
Садоқат қилмасан Садоқатмасман!

Иномжон РАХИМХЎЖАЕВ



Юрагимга кўлингизни қўйсангиз,  
Ажаб эмас оташида қўйсангиз.  
Ёнингизда ўзлингизни йўқотсам,  
Майли жоним девонага йўйсангиз.

Юзингизнинг ёдусида уйғондим,  
Кўзингизнинг жодусида уйғондим.  
Ҳижрон деган ўт дилимни тарк айлаб,  
Васлингизнинг орзусида уйғондим.

ЮРТНИНГ  
ЎҒЛОНЛАРИ

Элак тугиб бўлмас элнинг оғзига,  
Фосикнинг тилини тишлари кессин.  
Юрак қулоқ бўлсин сўзинг ростига,  
Юртнинг ўғлонлари мард бўлиб ўссин.

Сўрабмас, бермоққа очилсин ўслар,  
Қадрини йўқотмасин белбоғу тўллар.  
Ботирга ўлим йўқ, ёруғдир йўллар,  
Юртнинг ўғлонлари мард бўлиб ўссин.

Йиғлатади най навоси қалбимни,  
Қувнатади май сафоси қалбимни.  
Ишқ йўлида ҳаста қилган ўзингиз,  
Энди яна сиз давоси қалбимни.

Қатра қувонч ёшингизга жон фило,  
Омон бўлсин бошингизга жон фило.  
Бир табассум айласангиз минг ўлай,  
Чамирилган қошингизга жон фило.

Нафиса ОМОН



Лекин ўшангача қовунлар пишар,  
Қўёшга чўмилиб юзлари тўр-тўр.  
Ёзинг эрталари эртаққа ўшар,  
Танинган бағишлар илоҳий хузур.

Хирмонга қўшилар лаҳзалар, онлар,  
Элга баракоти кўндир самонинг.  
Август тандирида пишмоқда онлар,  
Демак, ҳали ризқи бутун дунёнинг!

\*\*\*

Юриш бошлар юракка шеърлар,  
Етақлайди туйғулар томон.  
Тушларимга кирдинг қаердан,  
Манзилнинг билмайман ҳамон.

Юрагимни гўл тирнашпти,  
Дилда бўрон — ёнмай қўйди шам.  
Ахир мағлуб бўлиш ҳам гапми,  
Омон қолиш азобдир, алам!

Исён қилар юракда шеърлар,  
Кўзларимиз сирларини деб.  
Сен келмайсан лек раҳминг келар,  
Шеърлар мени кўйганида еб.

\*\*\*

Қизлар ёқут туллар таради шохдан,  
Хаёллар сояга олғай ўзини.  
Вақтнинг қаламиди умримиз шахдам,  
Кўргаймиз оламнинг нузли кузини.

Хаёлимга кирдинг қаердан,  
Тушларимга тўлиб кетди сой.  
Муҳаббатим, арзандам, эркам!  
Қайда ўша харитасиз жой!

Тўполондарёнинг тентаги бир тута ёмон тутайди.  
Пишириб, ўзинини ўтиради. Мана, қирқ хўжалик  
яшайдиган Чалпақтепани бирпасда ювди-кетди. Хо-  
тин-халаж, бола-бақра дод солиб қолди. Офатнинг  
кўзи кўр бўлади, дегани шу-да. Ҳеч нимага шафқат  
қилмай, гўмбурлаб оқаверди.

Жала азонда тинди. Одамлар кўрдики, тепа-  
лик ўрнида қип-қизил бутана қайнапти. Чалпақ-  
тепаликларнинг юраги ачишди, эти увишди. Бўри  
оқсоқол тепадошларига таскин тасалли берди:  
"Қий-чув қиманглар, фалакнинг ишига шак йўқ.  
Азалдан шундай: бошга тушганин кўз кўради.  
Хали Чалпақтепаданам юксак тепада яшаймиш.  
У ерларга Тўполоннинг қулочи етмайди. Бу тепа-  
лар хали би-ир гуркирайди-ки... Мениям айтиди,  
дейсилар".

Оқсоқолнинг бу гаплари таскин ади, холос. У яхши  
билардики, хали кўнглида армонлар тўнғайди. Э-  
ндиги Чалпақтепаси осмон борабар бўлмайди, ба-  
рибир сел урган қишлоғини қумсайверади. Сўнгги  
нафасгача эслайди. Асов бўлса-да, Тўполон-  
ниям соғиниб қолади. Ана шу дамларда бобо-  
си айтмиш ҳикмат ёдига тушади: "Мардумни  
ватанидан айирмасин! Худо кўрсатмасин, ту-  
роғидан ажрадимми, тамом, юрак куйиб адо  
бўлади". Бўрибой шунини ўйлайди-ю, тин ола-  
ди. Осмонга боқди. Булулли осмондан ҳеч ни-  
мани англолмайди. Ўз-ўзича тўлиқди. Бўзи-  
дан нимадир бугаётгандай бўлади. Одамлар-  
дан холисроққа бориб: "Уккагарнинг Тўполо-  
ни, дарё бўлсанг, тез оқ-да! Шўрмишимни қурит-  
динг-ку! Сен ўзи тентак дарёсан!", дейди.

Уч кун тугал йўл босиб, дарё сувини ич-  
ган элмасми, яна келиб Қизилсув дарёси  
бўйидаги баланд ёнбағирга қўнди. Қизилсув-  
нинг шашти паст, ёйлиб оқди. Унинг ўнг  
бетида қадим Чағонийнинг харобаси —  
Оқмозортепа, ундан нарида Заҳартепа, Ку-  
лоттепа, сўнг улкан яйлов бор. Яйлов  
ортида Сурхони азим бир шода олтиндай товла-  
нади.

Дарёнинг сўл ёни эса бепоён дара. Дарани кўриб,  
Бўрибойнинг гулчилиги тугди. Қулочини кенг ёйиб  
деди: "Мана, биздинг янги юрт. Жодраб-жодраб,  
дунёнинг ярмини оғаллаб ашанглар. Кўрганларинг  
тўй, еганларинг ош бўлсин, бовурларим. Бугундан  
бу жойнинг оти — Чалпақтепа. Шу ерда қовундай  
томир ёзинглар".

Одамларнинг ҳорасига табассум югурди. Кекса-  
лар: "Бешигимизу тобутимиз шу бўлсин", деб ту-  
роқни ўпди. Айни дамда одамларнинг ватанга бўлган  
меҳри баттар йиди, ичдаги ғам-ғусса ёш бўлиб қалди.  
Шу замон Дўса қайтаганин уртанчиси — Эшмўмин  
шоир: "Хўв, Бўри бобо, шу Чалпақтепадан бошқа от  
қуриб қолдимиз бизга? Ана, Париж, Рим деганга  
ўхшаш отни қўйсак-чи? Чалпақтепаси нимаси? Ахир,  
Чалпақтепа энди йўқ, уни ному нишонни билан сел  
ютиб кетди. Абадул-абадга...", дейди.

Оқсоқол довдираб қолди. Сўнг, кўз қири билан  
босиб қараб, ичда чангини чиқариб сўзди: "Тилинг  
қирқилсин, сен шоирваччани! Тўртта китоб ўқиб,  
ақлинг гўллаб қолдимми? Аҳмоқ, қумсангир!". У доим  
нафратини ичига ютади. Оқсоқолнинг ўйлайди,  
ташига чиқармайди. Лекин оломоннинг қаҳри ёмон  
кўзиди шунда. Икки дароз ўзини босолмай Эшмў-  
миннинг тумшугига солди, шоир кесилган дарахт-  
дай ерга қулади. Дўса қайнаб чидаб туролмади. Ота-  
да, ҳассасини қулочкашлаб ҳалигиларнинг белига  
туширди. Ортдан ўдағайлаб: "Бир оғиз гапга шун-  
чима-а? Кўтурган итдай ташланасан, ҳамманг. Чал-  
пақтепанинг бошига Тўполон етди. Гапинг бўлса,  
ана, дарёга бориб айт! Боламан нима айб?"

Эшмўмин маломатга қолди. Қишлоқдошларининг  
эсариям, бесариям ёқараш қилиб юрди унга. Тўйи  
маракаларда пинҳона шивирлашиб уни яққалаган-  
дек бўлаверди. Одамларнинг бу қилиги йиғитга алам  
қилди. Узлатга чекиниб ич-эттини еди. Охири оқсо-  
қолиниям, бошқасиниям лаянлатлай-лаятлай, Зар-  
кентга кетди. Йўлга тушаётганида отаси кўп ёлвор-  
ди: "Қайсарлик қилма, болам. Кўча-қўйда бош кўта-  
риб юришимизни ўйла. Буёғи... буёғи мениям бог-  
лаб қўйгани йўқ, Иссиқ жон. Одамларми? Уларни  
қўй, ҳали ховуридан тушади, ҳаммаси унутилиб,  
апоқ-чапоқ бўп кетасизлар". Эшмўмин ўзига етари  
қайсар эди, унамади, тўрвасини елкага ташладую  
кетди.

\*\*\*

Чалпақтепаликлар тошдан уй, пахсадан молхона  
солди. Ҳар уй ораси товуш етар узюқликда. Қўши-  
лар бир-бирини имласа кўради, хорма-саломат  
қилади. Шундай қилиб янги Чалпақтепа қишлоғи қад  
кўтарди.

Кеч кузақда янги қишлоқда тўй бўлди. Тўйга те-  
варақдаги овуллар ёппа хабар қилинди. Бири қўй,  
бири эчки етақлаб келди. Тўй баҳона кўришиб-та-  
нишиб, бовурлашди. Бўрибой меҳмонларга элининг  
кимчилигини айтиди: "Тоқчининг қатогон уругимиз.  
Мард, танги, тўпори чалпақтепаликларимиз".

Шунда писмироқ бир меҳмон: "Оқсоқол, бу тепе-  
текис дара бўлса, кўзга қўринарли тепаси бўлмаса,  
нимаси Чалпақтепа?", деди.

Писмиқнинг луқмаси оқсоқолга ёқмади. Кўзининг  
ости билан унга қаради-да, томоғини қириб,  
гуриллади:

— Чалпақтепа — ота юртимиз. Бир замонлар Бўри-  
тош бобом Хирсонга чиқиб қишлоғимизга қараса, худ-  
ди чалпаққа ўхшаб кўринибди. Шунгача номи оддий  
тепа экан. Кела солиб, гапга етар одамлар билан  
маслаҳат қилибди. Сўнг Чалпақтепа, деб ном бериб-  
ди. Қурғур кўкси баланд тепа эди. Оёғи остидаги  
тўполонни кўрдим демасди. Охири ювди-кетди.  
Фалокат оёқ остида дегани шу-да!

У пайтлар шоир ёш эди, дўмбиллаб чопиб юра-  
ди. Ўзи бир қаричу ор деган нарсани биларди: опа-  
лари, онасини тез-тез теграб турарди. Айниқса, бу  
одати бобоси Хуррам калга ёқиб тушарди. "Шу ба-  
чча каттарса қози бўлади", деб суйнардди у. "Қози  
буласани, болам", деб сўради бобо китиғига те-  
гиб. Набирани наиранин тушунмасди, гўздайганча: "Ҳа,  
қози бўламан", деб жавоб берарди.

Қози бўлгич кўп китоб ўқийди. Қишлоқ кутубхо-  
насида нўғай хотин мудир эди. У Эшмўминни суруб  
адабиёт китобларини ўқийга ундайди. Бола фақир  
кутубхонага гирди-капалак. Ҳеч кимни тергамайди,  
ўзи билан ўзи овера. Мактабни тугатаётди, қозилик  
орзусини унутди-қўйди, маъни-матрасиз шеърлар  
ёза бошлади. Энаси: "Шуям қасб бўлдими, улим,  
йигитнинг ишини қилсанг-чи? Ана, от мин, улоқ чоп",  
деб уришарди. У билганидан қолмайди. Дунётепага  
чиқади-да, шеър ёзаверади. Бўрибой бунини кўриб,  
қувонади: "Шу укагарнинг боласидан бир нима чи-  
қади-ёв. Нукул Дунётепада ўқийди. Дунётепада хис-  
лат кўп, болам, ғайрат қил ўқи, кам бўйимсан!".

Оқсоқолга шоир боланинг айни шу тепалиқда  
китоб ўқигани ёқди. Дунётепани оқсоқол кашф эт-  
ганди. Бир кўламанда қовоқ экатиб қўзча топиб

олди. Қараса, ичи тўла танга. Кўкиш, қизғиш танга-  
лар. Оқсоқол шоша-пиша танганин бировини тиш-  
лаб кўрди, из қолди. Куёшга тугиб қаради — айтил-  
лади. Шунда Бўрибой мард кетди. "Бу Чалпақтепа-  
нинг бойлиги", деди ва қишлоқдошларини қаҳриб,  
биттадан улашди. Шундан кейин тепа Дунётепа  
номини олди.

Шоир поездда кетаётди шуларни ўйлайдию  
хўрсилади. "Эй, Дунётепанга сенинг... Қаерга  
қарама, тепа — Фалончигепа, Писмадончигепа.  
Тепасиз қишлоқ йўқ, бизда. Агар ойнадай яланглик  
бўлса, унгаям от топади: Ялангтепа".

\*\*\*

Оқсоқол босинқи тушлар кўрди. Тушида отаси  
койиди. Аввалги тушини ҳеч кимга айтмади. Боз  
туш кўриши қўпаявергач, аёлига ёрилди:  
— Кампир, — деди ўсмоқчилаб. — қариямпиз-  
ми-а?

Момо парво қилмади. Сабаби чолининг феълени  
билади. Бир қарасанг, қариялман, бир қарасанг яна  
бировига уйлансан-чи, дей-  
ди. Хуллас, айланади-ўргилади,  
кампирининг жигига тега-  
ди.

— Беҳазил, момоси. Уйку  
бети кўрмайман.  
— Шундай бўлса, поши-  
касталарни камроқ ўйланг-  
да! Яхши ухлайсиз.

Оқсоқолнинг жаҳли чиқди.  
"Уккагарнинг кампирини,  
бослигайман, уқдингми,  
бослигайман. Тушимга отам  
кираятми. Оқибатсиз улини



Муроджон БУРХОНОВ

## ИККИ ТОҒ ОРАСИДА

уришапти. Сен бўлса пошикаста, дейсан".

Кампир сергак тортиди. "Қаердан билай, эски жи-  
ртакилингизми, депман-да. Бундай экан, ирим-си-  
римини қилайлик".

— Нукул шундайсан, кампир, гап тағидаги гапни  
англолмайсан, холос. Бошқа ҳамма балога фаҳминг  
етади. Кўнгли эса сафар тусаяпти, ота юртга сафар.

Оқсоқол сафар ҳақида Холиқбойга айтди, хо-  
хо-лаб қулди: "Бу дейман, ҳар туш кўргангизда  
Тўполонга бориб-келарканмиз-да, а, оқсоқол?".

— Буни тушунолмайсан, — деди Бўрибой. — Икки  
дунёдаму тушунолмайсан. Сенга ҳахшолоб  
юриш бўлса, бас. Бу хил гаплар сенга ёт...

Шу орада Дўса қайнаб келиб қолди. Ик-  
кови аллақачон иноқлашиб кетган. У оқсо-  
қолни жим тинглади. "Тўғриси, бировга айт-  
тишга уламан, деди, Тўполонни кўпдан бери  
соғинаман. Изим қўлимда бўлса, ҳозир кетаман".

Билмиса, чалпақтепалик бари кексининг кўнгли-  
да шунга ўхшаш гап бор экан. Улар сўнгги нафасга-  
ча Тўполонга қатнади, аммо кўрагининг бурчи  
кемтик бўлиб қолаверди.

Ўтган саратонда Эшмўмин билан оқсоқолнинг  
тўнғичи Эломон ўқийга отланди. Оқсоқол уларни  
кетишдан аввал қўй сўйиб сийлади. Қўблага юзлан-  
ди-да, нахшат қилди: "Болаларим, учта нарсадан  
сакланинглар — ёлгон гапиршидан, бировга тўхмат  
қилишдан ва кўролмасликдан. Фақат яхшилик  
қилинган. Яхшилик — мангу яшайди. Чалпақтепа-  
ни унутманглар! Уни доим соғининглар! Айтиб қўйай,  
ана шунда муродга етасизлар".

Иккови кўчини чангитиб кетди. Поезд Эломонни  
Термизга, Эшмўминни Заркентга элтиб қўйди. Катта  
шаҳарни кўриб шоирнинг оғзи очилди. Ҳаммаёқ ял-  
тиллайди. Одамлари ҳам сипо, чиройли. "Маданият  
шаҳарда бўлади дегани шу-да" деб ўйлади шоир.  
Ўзига боқди: кенг-мўл кийими, тўр босган юзи-ю  
қадоқ қўллари... уялди. Бошини эгирбоқ юрди. Ота-  
си айтган момонинг уйини қирақаш орқали топди.  
Ерга биқиниб кетган ўй экан... Мана, орадан бир йил  
ўтиб, шоир яна шу уйга меҳмон бўлиб келди.

— Вей, шоирмисан, яхши келдингми, ўғлим?, —  
дея хурсанд кутиб олди кампир.

— Раҳмат, кўзингиздан учгандай яна келдим, —  
деди Эшмўмин.

— Яхши-да, илм олиш — саодат, болам. Ўқи!  
Қалай, чалпақтепаликлар яхшими? Қаранг, отни  
қаранг, қандай оригинал!

— Саломат. Сизни сўрашди, салом айт, дейишди.

— Бўри-чи?

— Зўр.

Шоир гап орасида Чалпақтепани сел уриб кет-  
ганини айтиди. Буни эшитиб кампирнинг ранги бўздай  
оқарди. Қалтиради, гўлдираб, гапининг калавасини  
йўқотиб қўйди. Эшмўмин уни тинчитиш учун: "Ҳамма  
соғу саломат, бошқа дарага кўчиб, уй-жой ҳам қуриб  
олдик", деди. Барибир, беканинг кўнгли беҳузур,  
Чалпақтепага аччиб юрди.

Кампир — тарихчи олима. Кўп тарихий жойларга  
экспедиция қилган. Тўполондарёнинг тарихини  
ўрганаман, деб Чалпақтепага ярам борган. Ҳафталаб  
дарё кечган. Сўнгга мақолалар, чалпақтепалик-  
лар ва оқсоқол ҳақида "Чалпақтепа виждони",  
деган эссе ёзган. Унга бу қишлоқнинг дангал ва  
тўпори одамлари ёқиб қолганди. Шу боис ҳозир-  
гача йўқлаб туради.

Эшмўмин кампирнинг уйига тез кўнликди. Бека  
қаламқашмасми, шоир боланинг қофиясиз, аммо  
жайдари, самимий шеърларини ўқиб қулар, баъзи  
маслаҳатлар берар, ҳатто "Адабиёт назарияси" де-  
ган китоб ҳам тўхфа қилди. Китоб, айниқса, имтиҳон  
пайти асқотди. Луқи осылиб тушган, оқсоқ профессор  
нинг "Гўзаллик нима?", "Конфликт-чи?" деган са-  
волларига боғлаб жавоб берди. Ёнидаги кўзойнак-  
ли домлар билан ниманидир секин гаплашди,  
ёзган ишонсини, унга тиркалган иккита шеърини  
қайта ўқиди. Профессорнинг чеҳраси сал ёришди.  
Йўлаб-йўлаб, баҳонгиз "4" деди.

\*\*\*

Оқсоқол дунёни Боботоғдан Бойсунтоққа, деб  
билади. Болалиғида отаси Боботоққа кўнгарига олиб  
борган. Кун чиқар томон адоқсиз ўрчақ эди, устини  
қалин туман қоплаб ётарди. Меҳмон бола жуда ҳай-  
ратланди. Ёнидаги мезбон болани туртиб сўрадики:  
"Бу товларнинг нарёғида нима бор?". Боботоғлик  
айтиди: "Бу товларнинг орқасида қўшининг уйи бор".  
Бўри чопи-чипи ишонди: "Демак, Боботоғ — дунё-  
нинг боши. Хўш, охири қаерда?". Мезбондан яна  
сўрашга йиғнади. Уйга қайтаётди, отасидан сўради:  
"Ота, дунёнинг охири қаерда?". Ота жимлайди.  
"Бола-да, ҳар нарсага қизиқади", деб кўнглидан  
ўтказди. Сўнг содда қилиб деди: "Кун ботар томон-  
да, болам!". Бўри ўйлади: "Кун Бойсунтоққа ботади,

демак, Бойсунтоғ — дунёнинг охири". У шу фикр  
билан улағайди.

Замонлар ўтиб, Бўрибойнинг йўли Бойсунтоққа  
тушди. Унинг баланд чўққисига чиқиб қараса, тоғ ор-  
тида шафақ нурига тўлган поёнсиз ўлкалар ястаниб  
ётибди. "Дунёнинг туби йўқ экан-да, а?!", Бўрибой  
ўқинди. Сўнг: "Йўқ, дунёнинг туби Бойсунтоғ", деди  
ўжарлик билан.

Сафардан қайтди-да, кўринган одамга айтиб юрди:  
"Биродорлар, шу десанглар, бутун дунёни кўрдим.  
Машриқдан то магрибгача. Кўрдимки, дунёнинг кин-  
диги Чалпақтепа экан. Куёш худди Чалпақтепа усти-  
да қиймаг келаркан".

\*\*\*

Шоирнинг талабалик даври ҳам шамолдай ўтди-  
кетди. Тўғриси, шоир қойиллатиб ўқимади ҳам. Уни-  
верситетдаги назариябозликдан беизиди. Бир гал  
жаҳон адабиёти фани ўқитувчиси, профессор Оқил  
Олимовичга айтиди: "Суриб тазоду талмеҳни ёлма-  
масдан ўзимизнинг шеърлариниям ўқисак ёмон  
бўлмасди". Профессор зукко эди, гапининг қайро-  
ви дарров илғаб: "Илдизи йўқ дарахт кўкармайди-  
да, ўртоқ Дўсаев", деб жавоб берди. Шунда ўртоқ  
Дўсаев гаддорлиғига борди, кўйиндан бир даста  
қоғоз чиқарди-да: "Нима, булар илдизсиз  
шеърларми? Ўқиб кўринг, кейин биласиз!", деди.  
Ўқитувчи эринмай ўқиди, сўнг силлиққина қилиб  
деди: "Шеърларингиз яхши. Бирок, хали пишитиш  
керак". Шоир профессорнинг эъзозини тушунмади,  
сабоқдошларига, аканг қарағайни кўриб қўйинглар,  
дегандай қаради.

Эшмўминнинг сўнаётган иштиқо яна аланга олди.  
Тинмай ёзди. Орқаваротдан "футурист" лақабини ол-  
ган доцент бор эди. У шоирнинг ёзганларини кузат-  
ди ва бир кунни ёнига қақриб, йўл-  
йўриқлар қўрсатди. Шоир қатор

шеърлар битди, уларда темир-терсақдан тортиб тош-  
ларгача гапирди. "Футурист" домла олийгоҳ рўзно-  
масида "Хур хаёлар шоири", деган мақола ёзди.  
Мақтовдан Эшмўмин ишиди, бурнидан нарини  
кўролмай қолди. Шу вақтдан у шахсиятпарастликка  
берилди.

Бир гал шоир телевизордан чиқиб, шеър ўқиди.  
Чалпақтепаликлар кўрдию, ўзини кўрага жой топол-  
мади. "Ана, дейишди, ўзимизнинг Дўсабойнинг ули.  
Галстугини қаранг, укагарнинг, арбоб бўл-а! Ҳа, қал-  
лангдан Эшмўмин, бўш келма!".

Бўрибойнинг шодлиғи айрича эди. У шо-  
ирнинг шаддоқлигини унутган, ўз ўғлидай  
яхши кўради. Жийрон отини миниб, атай ён  
қишлоқларини айланди. Йўлиққан одамга:  
"Кеча телевизор кўрдимки, Чалпақтепа шо-  
ири Эшмўмин Дўсаев чиқди. Шеър ўқиди. У бизнинг  
қишлоқдан, биллиб қўй", деди.

Шоир ўқини тамомлағач, шаҳарда қолди. Барча  
тенгқур жўралари каби шаҳарнинг кенгу тор ҳайтин  
бошдан кечира бошлади. Ёзганларини Чақмоқ та-  
халуси билан чиқара бошлади. Аммо Битиклари  
негадир атрофдагиларга ўтиришаверади. "Оёғи ер-  
дан узилган шеърлар" деган гаплар чиқа бошлади.  
Шундай кунларнинг бирида ўзи холис деб билади-  
ган олимларнинг танқидига учради. Ҳатто бир га-  
зета ходими билан чиқара бошлади. Аммо Битиклари  
негадир атрофдагиларга ўтиришаверади. "Оёғи ер-  
дан узилган шеърлар" деган гаплар чиқа бошлади.  
Шундай кунларнинг бирида ўзи холис деб билади-  
ган олимларнинг танқидига учради. Ҳ

Узеир Хожиевнинг "Аршин мол олан" комедиясини кўрмаган ёки филминини томоша қилмаган одам бўлмаса керак. Ҳозирга қадар асар 76 тилга ўтирилиб, дунёнинг 187 театри саҳнасида кўйилган. Бу йил яратилганига 100 йил тўлиши муносибати билан Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри мазкур асарга яна бир бор кўл урди.

Маълумки, саҳна классикасига айланган мазкур спектаклни турли йилларда ушбу театрда Зухур Қобулов, Раззоқ Ҳамроев, Бахтиёр Ихтиёров каби режиссёрлар саҳналаштирган.

Бу гал театрнинг маҳоратли режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аҳад Фармонов комедияни тажриба тарзида саҳналаштирди. Ёш, умидли ижодкор Азизбек Жўрабеков иккинчи режиссёр сифатида қатнашди. Замонавий ҳамда озарбойжон халқига хос миллий рақсларни балетмейстер Шавкат Отахонов саҳнага кўйди.

Янги асар либреттоси муаллифлари Олтиной Тожибоева ва Сўҳроб Мухаммедов комедияни бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг тарзда "Аршин мол олан" мавзусидаги фантазия деб номлаганлар. Маҳорат билан қурилган сюжетда бугунги ёшларнинг ўй-кечинмалари, улар-

Гулчехрани кўлловчи Султонбек образларини алоҳида таъкидлаш лозим. Агар классик "Аршин мол олан"да Султонбек ёлғизликдан чарчаб, "бир бева бўлса, уйланардим", деган ўйда Жаҳонни танлаган бўлса, замонавий Султонбек, ўй-қарашлари, маслағи билан ўзига яқин турадиган аёлини учратиб, унга кўнгил кўяди. Классик "Аршин мол олан"да Султонбекнинг жияни Осий Гулчехранинг ҳамдарди бўлиб гавдаланса, янги сюжетда у шўба корхонаси юристи. Синглиси Гулчехранинг Асқар билан амалга ошираётган лойиҳаларини шахсий муносабатларига хайрихоҳ. Ана шу очиккўнгиллиги уни Сулаймон

Шодмонов ва Наргиза Шаҳובהва ижро этади. Боир Холмирова ижросида замонавий Султонбек салобатли бўлса, Умид Шодмонов қахрамони бироз ҳовлиқма қилиб кўрсатилади. Нозима Мақсуда Отажоновда ҳукмфармо, Наргиза Шаҳובהвада бир қадар мағрур. Персонажлардаги бундай ранг-баранглик спектаклнинг кўримлилигини оширган.

Режиссёр муаллифлар, рассом, композитор, балетмейстер билан ўзаро бир-бирини тушуниш, тўдириш, бойитиш асосида ҳамкорлик қилган. Хусусан, рассом Наталья Глубокина воқеаларнинг икки даврда бўлишидан келиб чиқиб, замонавий офисдан олис ўтмишга тушиб қолишда эртанамоликка диққат қилади. "Ўйин" бошланар экан, дастурчи Сулаймон бошқаруви билан декорациялар тепадан тушиб келиб, кўз ўнгимизда ўзга даврга ўтилади. Саҳналаштирувчи дирижёр Акмал Тўраевнинг сир-синоатлар оламига етакловчи мусиқаларни кўллаши бу гўзалликни янада бойитади. Қахрамонларнинг либослари ҳар бир давр руҳига монанд танланган.

Асарда ария ва дуэтлар маҳорат билан ижро этилади. Зеро, "Аршин мол олан" комедияси, аввало, гўзал кўшиқлари билан одамлар эътиборини тортган. Янги постановкадаги Асқар ва Гулчехра, Вали ва Зебо дуэтлари, Гулчехра, Султонбек, Осий, Сулаймон, Жаҳон ариялари ўзгача жилвага эга. Асқарнинг "Нолар" деб номланган машҳур арияси янги асарда алоҳида урғу берилган бўлиб, у бош қахрамоннинг икки давр орасидаги қалб нидоси, туйғуларининг юксак чўққиси тарзида тараннум этилган. Замонавий саҳналарга бугунги куннинг оммалашган кўшиқлар киритилган ва солистлар ижросида ўзининг янги талқинини топиб, саҳна асарини бойитган.

"Арши мол олан" каби мумтоз асарларнинг замонавий руҳда талқин этилиши томошабинларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Бироқ мазкур тажриба театр санъати учун янгилик эмаслигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Мумтоз асарни замонавий руҳда талқин этиш ҳар қандай ижодий жамоадан катта салоҳиятни талаб этади. Шу маънода Муқимий театри ижодкорлари "Аршин мол олан" спектаклининг янги талқинида баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйганини айтиб ўтиш лозим. Хусусан, асар воқеаларини бугунги кунга кўчириш жараёнида мантикий уйғунликка етарлича эътибор берилмагани сезилади. Шунингдек, спектаклда кўп нарсга актёрлик ижросига боғлиқ бўлиб қолган. Театр, аввало жамоавий санъат эканини ҳисобга олсак, спектаклни яратиш жараёнида иштирок этувчи ҳар бир ижодкордан фаол бўлиш талаб этилади.

Яна бир нарса. Албатта, замонавий талқин жараёнида актёрлар таниқил эстрада хонандалари ижросидаги машҳур кўшиқларни оркестрга мослаб, янги талқинда қуйилганлари асар мазмунини бойитган. Бироқ бунинг ўрнига воқеалар моҳиятини, қахрамонлар руҳиятини чуқурроқ очишга хизмат қилувчи янги ариялар яратилса, мақсадга мувофиқ бўларди, деб ўйлаймиз.

Янги спектакл бугунги томошабинларни мумтоз асарлардан баҳраманд этиш билан бирга, янги ижодий имкониятлар излаш эндиликда ниҳоятда зарурлигини кўрсатди.

Элдор ЙЎЛДОШЕВ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида пойтахтимизнинг "Истиклол" санъат саройида "Ниҳол" мукофотининг навбатдаги ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танлов якунларига кўра республика босқичида муваффақият қозонган ўн беш нафар истеъдод эгаси нуфузли мукофотга сазовор бўлди.

— Мусиқа санъати га болалигимданок меҳрим банд бўлганим сабаб, Наманган шаҳридаги санъат ва маданият коллежида таҳсил олганман, — дейди эстрада йўналиши бўйича ғолиб бўлган хонанда Гулсалаб Абдуллаева. — Қаранглик, бугун орзуларим ушаниб, пойтахтимизнинг энг кўркэм ва мухташам саройида "Ниҳол" мукофоти соҳибаси бўлиб турибман. Қўлимдаги совринга боқиб, камтарона изланишларим ҳукуратимиз томонидан муносиб тақдирлангани, янги ютуқларни кўлга киритишим учун кенг йўллар очилганини ҳис этаяпман. Ниятим — ўз устимда тинимсиз ишлаб, билим ва малакамни бойитган ҳолда, халқимизга манзур бўладиган кўшиқлар яратиш.

Гулсалабнинг репертуари миллий эстрада руҳида яратилган кўшиқлар салмоқли ўрин тутади. Айниқса, хонанда халқ кўшиқлари, машҳур тароналарга ижодий ёндашиб, уларни замонавий оҳанглар билан бойитишга ҳаракат қилмоқда. Тақдирлаш маросимида хонанда "Кўчалар" кўшигини ижро этиб, истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, кўзни қувонтирувчи нурли кўчалар ҳақидаги ёрқин таассуротни яна бир бор хотирада жонлантирди. Шунингдек, эстрада йўналиши бўйича Шерзод Ортиқов, Умида Ҳўжаева (Тошкент шаҳри), Нодира Абдураҳмонова (Тошкент вилояти), Гўзал Жуманиёзова (Навоий вилояти) "Ниҳол" мукофоти билан тақдирланди. Мумтоз кўшиқчилик йўналишида эса Умида Ҳамидова (Сирдарё вилояти), Дилфуза Қобилова (Навоий вилояти), Зулхумор Мамарасулзода (Жиззах вилояти), Жайхунбек Мадмуродов (Хоразм вилояти) ана шундай шарафга муяссар бўлди.

— Биласизми, мусиқа билан шуғулланиб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ижодий сафарда бўлдим, — дейди мусиқа ижрочилиги йўналиши бўйича ғолиб чиққан Қахрамон Ғулмонов. — Фортепианодаги ижроларим Францияда парижликларнинг олқишига сазовор бўлди. Аммо ҳеч қачон бугунгидек қувонмаганман. Таъбир жоиз бўлса, шу вақтгача эришган ютуқларим қўлимдаги "Ниҳол"дан қимматли бўлмайди. Бу мукофот ижодий фаолиятимда янги саҳифа очишига ишонаман. Ҳозир Ўзбекистон давлат консерваторияси талабасиман.

## ИЗЛАНИШЛАР ПАЛЛАСИ

Бугунги ўзбек тасвирий санъатида рассом Бобур Исмоиловнинг алоҳида ўрни бор. Рангтаъбир, кино, саҳна безаги, графика ҳамда мултипликацион филмларга ишланган суратлари муҳлислар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлиб келаятган ёш рассомнинг ишлари бугун бир қатор хорижий давлатлар музейларида ва шахсий тўпламларда сақланмоқда.

### Рассом ва анор

Рассом ижодини кузатган одам унинг асарларида аёллар ҳислатлари рамзлар орқали ифодаланганини кўради. "Кактус ушлаган қиз" асари фикримиз далилидир. Бундан ташқари, Б.Исмоилов моҳирона фойдаланади. Рассом қўлайдиган тўқ жигарранг, кўк ва қора ранглар бевосита унинг ички ҳиссиётларини ифода қилади. Б.Исмоилов фазовий бўшлиққа, ранглар ритмига ва композицион тенгликка катта аҳамият беради. "Шивирлаш", "Сўнгги ибодатхона", "Ота. Биринчи қор" каби асарлари бу борадаги маҳоратини намойён этади.

Бобур Исмоилов театр рассоми бўлгани учун асарият асарлари саҳна кўринишларини эс-латиши. "Мен табиатдан, мавҳуд нарсалардан нусха кўчирмайман, — дейди у. — Асарларим тасаввурларим махсули. Ҳар бир асар ўзим учун тугалланган бир спектакл".

раратаётган образларнинг руҳан баркамоллигига ишора.

Шунингдек, рассомнинг кўпчилик асарларида анор образи аёллар билан биргаликда тасвирланади. Анор тасвирий санъатда ҳаёт рамзи, гўзаллик тимибли, дунё билиги сифатида акс эттирилади. Яна анор шифобахш хусусиятларига кўра "илохий мева" деб ҳам ном олган. Б.Исмоилов ана шу мевани аёллар билан бирга тасвирлаш орқали, улардаги илохийликка, баркамолликка, муқаддаслик ва гўзалликка урғу беради.

Шу йил баҳорнинг илк кунларида Бобур Исмоиловнинг Франция сафарига бағишланган ижодий кўргазмаси бўлиб ўтди. Унинг энг сўнгги асарларидан ташкил топган мазкур кўргазма рассом ижодига янги давр бошланганидан далолат беради. Айни кунда ижодий кучга тўлган рассом янги талқиндаги асарлари билан миллий рангтаъбир санъатимизни бойитиш йўлида изланмоқда.

Фотима МАМАЖОНОВА

## ЭСКИ МАВЗУНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

Муқимий номидаги мусиқий театرنинг "Аршин мол олан" мавзусидаги фантазия спектакли борасида мулоҳазалар

ни қизиқтирган масалалар, қийнаётган муаммолари акс этган. Саҳналаштирувчи режиссёр А.Фармонов бугунги интернет орқали танишувларга, олдиди асосига қурилган компютер ўйинларига муносабат билдириб, кучи ва билимини катта мақсадларга қаратган замонавий ёшлар дунёсини кўрсатишга уринган ва бунга эришган. Спектаклда улкан имкониятлари, юксак салоҳияти билан халқаро даражада чиқаётган ёш тадбиркорларнинг маслақ ва мақсад йўлида фидойилиги, курашчанлиги бадий ифода этилади. Томошанинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир ижрочи бир вақтнинг ўзида иккитадан қахрамонни талқин этади. Уларнинг бири замонавий образ бўлса, иккинчиси янгича компютер ўйинида акс этган классик асар персонажидир.

Асосий образ — Асқар роли ижрочиси Равшан Иброҳимов, аввало тиниқ, тоза талаффузи билан эътиборни тортади. Сўз кучи мусиқа қудратига уланиб, ария ва дуэтлар солистнинг тенор овозида тоза жаранглайди.

Мазкур образ ўзига қўйилган ижтимоий юкинган залворни билан аънанавий қахрамонлардан фарқ қилади. Асқар — лойиҳалари дунё миқёсида тан олинган, махсулотлари жаҳон бозорига чиққан тадбиркор. Конфликт хориждан сотиб олинган технологияни маҳаллий ҳомаъи билан ишга туширишдаги баҳсдан бошланади. Аввалига ўжарлик қилган унинг ҳамқори Гулчехра Асқар қилаётган ишлар тўғрилигига ишониб, унинг ёнига қайтади. Шу ўринда Гулчехра роли ижрочилари Дилором Иброҳимова ҳамда Зулфия Умирова маҳоратини алоҳида таъкидлаш жоиз. Эски удумларга қарши исён қилиб, ёрига етишган соф қалб соҳибаси билан янги даврнинг қатъиятли тадбиркори образи ҳар икки актриса томонидан ишонарли талқин этилган. Гулчехра ва Асқарнинг "Сенга айтаман" деб номланган дуэти икки қалбнинг кўнгил розини ифода этувчи қўшиқ сифатида образлар лейтмотиви бўла олган.

Корхона фаолияти ва жияни Асқарнинг мавқеи учун қуйиб-пишадиган Нозима, қизи

билан яқинлаштиради. Сулаймон родини талқин этган Расулхон Қодирхонов ҳамда Баҳром Болтаев, Осий роли ижрочилари Маърифат Ортиқова, Гулсалаб Раҳмонова ҳамда Муниса Вафоева ўз қахрамонлари кечинмасини ҳис этган ҳолда образга ёндашганлар.

Спектаклда хизматкор Вали ва Зебо образлари ҳам яхши очилган. Бу икки қахрамон замонавий талқинга олиб ўтиларкан, Али — шофёр, Зебо эса иш юритувчи тарзида гавдаланади. Бу борада ҳам персонажларга юқлатилган вазифа мураккаб бўлиб, ҳар икки хизматкордаги қувонқлик замонавий образларга ҳам кўчиб ўтади. Вали роли ижрочиси Усмон Юсупов шўҳ-шодон хизматкор ҳамда қувонқ шофёр ролларини талқин этаркан, овози, сўзи ва пластикаси билан эътибор тортади.

Спектаклни турли актёрлик гуруҳлари ижро қилар экан, бири иккинчисини тақрорламамасликка, янгича қиёфа яратишга уринган. Зебо образида Инобат Умирова ҳовлиқма хизматкор ва мағрур иш бошқарувчиси қиёфасини яратса, иккинчи ижрочи Мусаллам Дадажоновнинг "хизматкори" ичидан пишган, бироз писмик, айна пайтада, иш бошқарувчиси сифатида калондимоғ.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Боир Холмирова ҳамда тажрибали солист Мақсуда Отажонов Султонбек ва Нозима ролларида ҳаётийликка эришганлар. Мазкур қахрамонларни иккинчи гуруҳда Умид

буни яна бир бор тасдиқлади. Танловда республика бўйича жами эллик тўрт мингга яқин ижодкор, 432 та профессионал ва ҳаваскорлик жамоалари қатнашди. Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий кўмита раиси ўринбосари Фотих Жалолов ушбу мисолларни келтирар экан, қатнашчилар орасида ёшларнинг кўнглигини қайд этиб ўтди ҳамда якуний босқичга йўлланма олган 19 та ижодкор ва 5 та жамоага омад тилади.

Дастурни ўрта-маҳсус таълим маркази вакили, Наманган санъат коллежи талабаси Одина Абдуллаева очиб берди. Шундан сўнг Олий таълим, Мудофиа, Халқ таълими, Ички ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Бастакорлар уюшмаси, "Ўзбекистон" эстрада бирлашмаси хонандалари ўзларининг она-Ватан, элу юртга муҳаббат ва садоқат ҳақидаги қўшиқларини ҳайъат ила томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар. Ижроларни консерватория ректори, профессор Оқилхон Иброҳимов раислигида нуфузли ҳакамлар ҳайъати баҳолаб берди.

"Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ва улар иштирокидаги гала-концерт тасқиллик байрами арафасида бўлиб ўтади.

Ўз ахборотимиз.



## КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Чопғам келар ирмоқларнинг ортидан, Ўшғам келар момо ерининг бетидан. Ким ажраттай тирвоғини этидан, Энтиккан юракнинг титроғи Ватан.

Дарҳақиқат, шоир айтгандек, ҳар биримиз она-Ватанимизга чамбарчас боғланганмиз. Ватан, Она замин ҳақида қанча қўшиқ яратилмасин, бу муқаддас мавзу ҳар бир ижодкор учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб қолаверади. Юртбошимиз айтганидек: "Замонлар ўтаверади. Аммо Ватан абадийдир. Ватанини севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб қуйлаш энг олий бахтидир!"

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2009 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови бу фикрларнинг ёрқин далилидир. Халқимиз, ўсиб келаятган ёш авлод қалбиди олажаноб туйғуларини қамол топтиради, Ватанга садоқат, унинг тақдирига дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадийй етуқ қўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида ўтказилаётган мазкур танлов йилдан-йилга оммалашиб, кенг қамровли бўлиб бормоқда.

Куни-кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловининг якуний босқичи

### "Ягонасан, муқаддас Ватан"

## ИЖОДГА УНДАЁТГАН УЛУФ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган "Энг улук, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўлаб-

қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танлов «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этди.

Танловнинг мамлакат босқичига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 321 нафар ижодкордан истиқлолимизнинг қадр-қиммати,

бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, барча жабҳаларда эришяётган улкан ютуқларимизнинг аҳамияти ёрқин ва таъсирчан бадий воситалар, ҳаётини мисоллар ёрдамида очиб берилган 3200 га яқин ижодий иш тушди. Ҳайъат қарорига асосан 26 нафар иштирокчининг иши энг яхши деб топилди.

Ғолиб ва совриндорларга махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.



## Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўнгирма анки йиллигига бағишланган "Энг улук, энг азиз" республика кўрик-танлови

## ҒОЛИБЛАРИ

## 1. Ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари бўйича

**Хосият Бобомуродова** (Самарқанд вилояти) — «Ватан десам» шеърини тўплами учун

**Сағиндик Ниетуллаев** (Қорақалпоғистон Республикаси) — «Мустақиллик ҳақида дoston» китоби учун

**Жамила Эргашева** (Сурхондарё вилояти) — «Қир устидаги аёл» романи учун

**Рағбатлантирувчи мукофот**  
1. **Наби Жалолиддин** (Андижон вилояти) — «Мустақиллик» ҳикояси учун  
2. **Искандар Раҳмон** — «Ўзбекистон посбонларимиз» шеърини тўплами учун

## 2. Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари бўйича

**Несибали Мамбетирзаева**, «Маърифат» газетаси муҳбири — Ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган «Тузингини тотиб улғайдим, Ватан!» туркум мақолалари учун

**Абубакор Урозов**, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Маҳаллий ахборот тахририяти бош муҳаррири — Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараларига бағишланган таҳлилий материаллари учун

**Собир Дадахўжаев**, «Водин ёдуси» газетаси бош муҳаррири (Фарғона вилояти)

— Ватанимизнинг маънавий тикланиши ва юксалиши, ўзлгимизни англаш йўлида олиб борилган ишлар ҳақидаги «Ўзбекистон — олтин бешигим менинг» туркум публицистик мақолалари учун

**Рағбатлантирувчи мукофот**  
1. «Ватанпарвар» газетаси тахририяти, Бош муҳаррири — **Алижон Сафаров** — Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги таҳлилий материаллари учун  
2. **Муҳаббат Урмонбекова**, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши матбуот хизмати раҳбари — «Инсонга наф келтириш — олий бахт» туркум мақолалари учун

## 3. Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича

**1-ўрин:** **Гулбахор Мусаева**, Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси бош муҳаррири — «Мунаввар йўлдан зафарли санзилгача», «Мен туғилган юрт» туркум кўрсатувлари учун  
**2-ўрин:** **Гўзал Мухамедова**, УзМТРК «Спорт» телерадиоканали «Машъал» радиоси катта муҳаррири — Бой тарихимиз, бебаҳо мусиқий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримиз тарғиботида бағишланган эшиттиришлари учун

**3-ўрин:** **Ҳадия Абдуллаева**, УзНТТ «Худуд» инфорацион таҳлилий дастури муҳбири — Истиқлол йилларида мамлакатимиз пойтахти Тошкентда амалга оширилган

кенг қўламли бунёдкорлик ишлари ҳақидаги таҳлилий материаллари учун

**Рағбатлантирувчи мукофот**  
1. **Гулнора Календерова**, Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси шарҳловчиси — Республикаимиз ҳаётидаги долзарб воқеалар тезкор ва таҳлилий ёритилган эшиттиришлари учун  
2. **Нодир Мухамедов**, «Водий садоси» радиоканали муҳаррири — Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгилашлар мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш ва янги ютуқларга рағбатлантиришга қаратилган дастурлари учун

## 4. Тасвирий санъат, фотоасарлари ва дизайн ишлари бўйича

**1-ўрин:** **Абдугани Жумаев**, Фотограф — «Бунёдкорлик эпопеяси» туркум фотоасарлари учун  
**2-ўрин:** **Раҳимжон Ризамухамедов**, Камолддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг катта ўқитувчиси, рассом — Мумтоз адабиётимиз намоёндалари асарлари асосида яратган рангасвир ишлари учун  
**3-ўрин:** **Ғайратулла Шукуров**, Ўзбекистон Бадий академияси Ахборот ва маркетинг бошқармаси бошлиғи — Обод турмуш йилгига бағишланган фотолар ҳалари учун  
**Рағбатлантирувчи мукофот**

**1. Турғунбой Маҳкамов**, «Наманган ҳақиқати» газетаси фотомуҳбири — Истиқлол йилларида Наманган вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақидаги фоторепортажлари учун

**2. Шамсиддин Қаландаров**, Урганч давлат университети ўқитувчиси, рассом (Хоразм вилояти) — Ўзбек халқининг бой маданий мероси кенг ёритилган рангасвир асарлари учун

**5. Кино санъати асарлари бўйича**

**1-ўрин:** **Эркин Аъзам**, драматург — «Паризод» бадий фильми сценарийси учун

**2-ўрин:** **Сарвар Каримов**, Нозим Жумаев, «Ўзбекфилм» киностудияси режиссёрлари — «Сехрли қалпоқча» бадий филмидаги муаллифлик ва режиссёрлик ишлари учун

**3-ўрин:** **Жамшид Изомов**, бастакор — «Тубанлик» бадий филмига ёзган мусиқаси учун

## Рағбатлантирувчи мукофот

**1. Шаҳзода Матчоновна**, актриса — «Меҳриғо» бадий филмида ижро этган роли учун  
**2. Дилфуза Турдубоева (Мардонова)**, драматург — «Ёшлар ва ҳуқуқий маданият» ҳужжатли филмидаги муаллифлик иши учун

## ЗУЛФИЯХОНИМНИНГ ИҚТИДОРЛИ ИЗДОШЛАРИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг республика анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан бир қанча ваазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Таъкидлаш лозимки, Зулфия номидаги Давлат мукофоти 2000 йилдан буён аъло хулки, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги ҳамда ноёб истеъдоди билан ажралиб турувчи қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларидаги ютуқлари учун топшириб келинмоқда. Ҳозирга қадар 196 нафар иқтидорли қиз ушбу нуфузли мукофот билан тақдирланган. Уларнинг кўпчилиги юртимизнинг вазирилк ва идоралари, академиялар, ташкилотлар, илмий-инновацион марказлар, ижодий бирлашмаларда самарали меҳнат қилмоқда. 100 нафардан ортиқ Зулфияхоним издоши умум-

таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрларида тахсил олмоқда.

Президентимизнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма анки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан атоқли шоиранинг муносиб шоғирдлари иштирокида туркум анжуманлар, давра суҳбатлари, жонли мулоқотлар ўтказилмоқда. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остидаги ушбу тадбирларда истиқлол йилларида хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, оғирини енгил қилишга оид эзгу саъй-ҳаракатларнинг моҳияти халқимиз, айниқса, ўқувчи ва талаба қизларга кенг тунуштирилмоқда.

Анжуманда қизларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар, истиқлолдаги режалар белгилаб олинди.



## Домий ҳамроҳ

Яшаб туриб ҳам кишининг қалб кўзи очилмаслиги, маънавий олами тор ва чекланиб қолган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда унга сўз — бадий ижод ҳужум кўлик беради. Г.Ортиқхўжаеванинг «Ўзин-

## "ЎЗИНГИЗНИ АВАЙЛАНГ"

гизни авайланг» номли тўплами ана шундай бедорликка чорловчи шеърлардан таркиб топган.

Тўпланда ҳамдард кўнглининг ҳаётини ва ҳаёлий сирлари сизга ошно бўлади қалбингизга фараҳбахш лаҳзаларни ҳада этади. Аслида, қалбдаги сохир кечинмаларни, соф туйғуларни сўзда самимий изҳор этиш кўпчиликка насиб этавермаслиги ҳақиқат. Тўпландаги шеърларни ўқиб шоира бу ишни уddалаганига ишонч ҳосил қиласиз.

Г.Ортиқхўжаева хис-туйғулар ифодасида мураккаб сўз қурилмаларига уринмайди, балки содда, самимий талқинлар ёрдамида ўзига хос кашфиётлар қилади:

**Мен ўзимни ҳалиям, Авайлаб яшайман. Бошқа ишим йўқ менинг, Атайлаб яшайман.**

Ҳўжрон, соғинч ижодкор лирик қаҳрамони дардининг «бўйи етган»ни кўрсатади. Айрим шеърларида шоира бунга бахти, деб изоҳласа, баъзан «оригим» дея ерга илдиш отган дарахларга сирини очди. Бундай ҳолатларни ижодкор кайфиятини эврилишлари билан изоҳлаш мумкин.

«Ўзингизни авайланг» тўпламига Абдулхамид Омонов муҳаррирлик қилган. Мазсўл муҳаррир Рустам Мусурмон.

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар халқ таълимининг бош бошқармаси ходимларининг оммавий ахборот воситалари билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси мазсўл ходимлари, шаҳар малака ошириш институти, Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси ва «Табар» бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда халқ таълими тизимидаги муассасаларда янги ўқув йилига тайёргарлик, хусусан, муассаса биноларини таъмирлаш, инвестиция дастури ижроси, август кенгашларини ташкил этиш борасида сўз борди.

— Инвестиция дастури асосида жорий йилда 19 та мактаб таъмирдан чиқарилиб, ушбу мақсадлар учун 16 миллиард сўмдан ошқ мабсадида 24 та умумтаълим мактабларида «Мактаб бозорлари» ташкил этилди. Ушбу бозорларда 26 номдаги ўқув қуроллари, ўқувчилар кийим-кечаги савдоси ташкил этилган.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил декабрдаги «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси, 1-синфдан чет тилларини ўқитишга тайёргарлик борасидаги ишлар юзасидан ахборот берилди.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Ўз муҳбиримиз.

## Интернет хабарларидан.

«Ўзбекино» миллий агентлиги, Киноарбоблар бирлашмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Диас РАҲМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ



**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91  
Котибият — 233-49-93

Таъкид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40  
Назм ва наср бўлими: 233-58-60



Баш муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Тахриратга келган қўғамлар тахсил этилмади ва муаллифларга қайтарилмади. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Мазсўл котиб — **Асрор СУЛАЙМОНОВ**  
Навбатчи муҳаррир — **Азиз ИМОМОВ**  
Саҳифаловчи — **Элёр МАҲМУДОВ**

«Шарқ» нашрийт-матбаа акцијадорлик компанияси босмахонаси.  
Босмахона мазсўли Буюк Турон кўчаси, 41-ўй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 02.08

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигиде 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатта олинган. Адади — 4464 Буюртма Г — 844. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТЎВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2163-614X

9 772163 614000